

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/7.06.2024.К/Т.06.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУРАКУЛОВ БАХРОМ АЗАМАТОВИЧ

**ОҚОВА СУВЛАРИ ЧЎКИНДИЛАРИ ВА ЧИҚИНДИ
ФОСФОРITЛАРИ АСОСИДА ОРГАНИК-МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Журакулов Бахром Азаматович

Оқова сувлари чўкиндилари ва чиқинди фосфоритлари асосида
органик-минерал ўғитлар олиш технологияси..... 3

Журакулов Бахром Азаматович

Технология получения органоминеральных удобрений на основе
осадков сточных вод и фосфоритных отходов 21

Jurakulov Bakhrom

Technology for obtaining organomineral fertilizers based on wastewater
sediments and low-grade phosphorites 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.17/7.06.2024.К/Т.06.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР
УНИВЕРСИТЕТИ**

ЖУРАКУЛОВ БАХРОМ АЗАМатович

**ОҚОВА СУВЛАРИ ЧЎКИНДИЛАРИ ВА ЧИҚИНДИ
ФОСФОРITЛАРИ АСОСИДА ОРГАНИК-МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2025.2.PhD/T5801 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.nsumt.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Темиров Ўктам Шавкатович техника фанлари доктори, доцент
Расмий оponentлар:	Умиров Фарҳод Эргашович техника фанлари доктори, профессор Тураев Зокиржон техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	Тошкент кимё-технология институти

Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилик ва технологиялар университети ҳузуридаги DSc.17/7.06.2024.K/T.06.03 рақамли Илмий кенгашнинг «26» август 2025 йил соат 12:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 76в уй, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетининг мажлислар зали. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; (e-mail: info@nsumt.uz).

Диссертация билан Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (218 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Ғалаба шох кўчаси, 76в уй, Навоий давлат кончилик ва технологиялар университетининг мажлислар зали. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; (e-mail: info@nsumt.uz)

Диссертация автореферати 2025 йил «13» август куни тарқатилади.

(2025 йил «13» августдаги №12 рақамли реестр баённомаси).



Муҳиддинов Б.Ф.
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор

Шаринов С.Ш.
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, PhD, доцент

Умиров Ф.Э.
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда аҳоли сонининг ўсиши билан, интенсивлашган қишлоқ хўжалиги ҳамда озуқа маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ортиши туфайли, юқори самарадорликка эга ва экологик хавфсиз ўғитлар ишлаб чиқариш эҳтиёжи ортиб бормоқда. Аксарият мамлакатларда фосфорли ва гумусли ўғитларга бўлган талаб юқори бўлганлиги, фосфорит чиқиндилари ва гумусли органик чиқиндилардан фойдаланиш орқали экологик хавфсиз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда фосфор-гумусли ўғитларга бўлган талабни қондириш имконини беради. Шу билан бирга, фосфорит захираларининг сифатсизлиги ва қайта ишлашдаги мураккабликлар қишлоқ хўжалиги соҳаси учун ҳамда саноат чиқиндилари, хусусан оқова сувлар чўкиндилари каби биоген ресурсларнинг органик минерал ўғитларга қайта ишланмаслиги катта экологик хавф туғдиради. Шу сабабли, чиқинди фосфоритлар ва оқова сувлар чўкиндиларини органик минерал ўғитлар олишга жалб қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда барқарор ривожланиш тамойиллари асосида чиқиндиларни қайта ишлаш, атроф-муҳитга зарар етказмайдиган ресурслардан фойдаланиш орқали органик-минерал ўғитлар ишлаб чиқариш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, халқ хўжалигида ҳосил бўладиган турли кўринишдаги маиший чиқиндиларни комплекс ўрганиш, улар асосида таркибида гумус сақлаган, фосфорли ва азотли ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш, юқори ўзлашувчан, озуқа моддалар сақловчи органик-минерал ўғитларнинг ўсимлик ҳамда кўчатларнинг ҳосилдорлигини ошишига самарали таъсирини баҳолаш, тупроқ унумдорлигини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда ҳам саноат ва аҳоли фаолияти туфайли ҳосил бўлаётган оқова сув чўкиндилари ҳамда паст навли фосфоритларни қайта ишлаш орқали юқори қийматли органоминерал ўғитлар олиш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида¹ «Тупроқ унумдорлигини ошириш ва муҳофаза қилиш. Илм-фан ва инновацияга асосланган агрохизматлар кўрсатиш тизимини такомиллаштириш. Агросаноат корхоналарини хомашё билан таъминлаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баравар ошириш»¹ каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, оқова сувлар чўкиндилари (ОСЧ) ва чиқинди фосфоритлар асосида тупроқ унумдорлигини ва ўсимликлар ҳосилдорлигини оширадиган гумусли-фосфорли органоминерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 февралдаги «Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш, тупроқнинг

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони

гумус миқдори ва унумдорлигини оширишни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-71-сон, 2021 йил 13 февралдаги “Кимё саноати корхоналарини янада ислоҳ қилиш ва молиявий соғломлаштириш, юқори қўшилган қийматли кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4992-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётларда оқова сувлар чўкиндиларини органик ва органик минерал ўғитларга қайта ишлаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари кенг ёритилган. Органик - минерал ўғитлар олиш жараёнлари Хоккайдо университети (Япония), М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети (Москва) ва Беларус давлат технология университети (Минск) да ўрганилган. Лекин бу ишларда асосан оқова сувлар чўкиндилардан фойдаланилган (Юки Мочизуки, Наото Тсубоучи, В.Н.Василев, И.Ю.Гусев ва Л.А.Чурилов). Россиянинг Д. И. Менделеев номидаги кимё - технология университетида оқова сув чўкиндиларини фосфоритлар билан бирга қайта ишлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган (Э.В.Малтсева, И.А.Колесникова ва С.В.Тюрин).

Ўзбекистонда турли гумус табиатли манбалар ва фосфорит хом ашёларидан органик минерал ўғитлар олиш тадқиқотлари билан Ш.С.Намазов, Б.М.Беглов, Н.Х.Усанбаев, Ў.Ш.Темиров, А.Т. Таджиев, Мелников Л.Ф. ва бошқалар шуғилланган. Лекин ҳозирги кунда республикамизда оқова сувлар чўкиндиларини таркибидаги зарарли металлларни миқдорини камайтириб ўғитларга қайта ишланмайди, шунингдек ишлаб чиқарилаётган фосфорли ўғитлар қишлоқ хўжалиги таълабини таъминламайди. Шунинг учун оқова сувлар чўкиндиларидан фойдаланиб, чиқинди фосфоритларни қайта ишлаб, юқори самарали органик - минерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш муаммосини ҳал этиш лозимдир.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институти илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ А-АВ-2019-13 – «Марказий Қизилқум паст навли фосфоритлари, фаол лойқа микрофлораси ва минерал кислоталар асосида янги турдаги гранулаланган комплекс органоминерал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги давлат гранти ҳамда №4-2018 – «Фосфор билан бойитилган азотли-фосфорли полиэлементли органоминерал ўғитлар олиш учун ҚФК чиқинди омбори лойқа қисмидан фойдаланиш

технологиясини ишлаб чиқиш» мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишлаб чиқаришга оқова сувлар чўкиндилари ва чиқинди фосфоритларни жалб қилиш билан кенг ассортиментдаги органоминерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оқова сувлар чўкиндилари ва сульфат кислотасида фаоллаштирилган шламли фосфорит асосида органик-минерал ўғитлар олиш жараёнларини ўрганиш;

фаоллаштирилган фосфорит ва оқова сувлар чўкиндилари асосида тайёрланган намуналардаги P_2O_5 ва CaO ларининг ўзлашувчан шаклга ўтиши ҳамда гумус моддаларининг ўзгаришини аниқлаш;

оқова сувлар чўкиндилари ва фаоллаштирилган чиқинди фосфоритлар асосида компостлар тайёрлаб органик-минерал ўғитлар олиш тадқиқотларини ўрганиш;

нитрат кислотасида фаоллаштирилган чиқинди фосфоритлар ва сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўкиндилари асосида мураккаб гумусли ўғитлар олиш жараёнларини тадқиқ этиш;

органик - минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг моддий балансини тузиш ва технологик тизимини тавсия этиш, мақбул режимини аниқлаш;

таклиф этилаётган ўғитларнинг техник - иқтисодий ҳисоблари ва уларни агрокимёвий синовини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида минераллашган масса (ММ), шламли фосфорит (ШФ), оқова сувлар чўкиндиси, нитрат кислота, гумин кислоталар (ГК) олинган.

Тадқиқотнинг предмети ММ, ШФ, оқова сувлар чўкиндисини қайта ишлаш асосида органик минерал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кимёвий, ИҚ-спектроскопия, рентгенографик, масс-спектроскопик ва хроматографик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ОСЧ ва сульфат кислотасида фаоллаштирилган шламли фосфорит (ФШФ) асосида органик минерал ўғитлар олиш жараёнларини мақбул шароити, ОСЧ : ФШФ оғирлик нисбатида 100:30 ҳамда H_2SO_4 меъёри 60% эканлиги аниқланган;

сульфат кислотасида фаоллаштирилган ШФ ва ОСЧ асосида олинган гумус-фосфорли ўғитлар таркибидаги P_2O_5 ва CaO ларининг ўзлашувчан шаклга ўтиши ҳамда гумус моддаларининг ўзгаришлари аниқланган;

оқова сувлар чўкиндилари ва фаоллаштирилган ШФ асосида компост тайёрлаш йўли билан ўғитлар олиш жараёнларини физик ва кимёвий асослари ишлаб чиқилган;

оқова сувлар чўкиндилари ва фаоллаштирилган ШФ қўшиб компост тайёрланганда, компостлар таркибидаги фосфоритлар ҳисобига эса азотни 4,6 марта, органик моддаларни 4,2 марта йўқолишини камайиши асосланган;

нитрат кислотасида фаоллаштирилган ММ ва сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўкиндилари асосида мураккаб гумусли ўғитлар олишда ОСЧ ва чиқинди фосфоритнинг 75:25 оғирлик нисбати ҳамда кислота меъёри 40% мақбул шароитлиги асосланган;

ММ нитрат кислота билан паст меъёрда фаоллаштирилган маҳсулотини сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўкиндилари ёрдамида қайта ишлаш жараёнида органик кислоталарни фосфоритлар билан таъсирлашиши натижасида P_2O_5 ўзлашувчан шакли 6,7 марта ортиши аниқланган;

чиқинди фосфоритларни қайта ишлашда оқова сувлар чўкиндиларини жалб қилиш йўли билан органик - минерал ўғитлар олишнинг жадаллаштирилган технологиялари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Марказий Қизилқум чиқинди фосфоритларини кислотали фаоллаштирилган намуналарини оқова сувлар чўкиндилари билан қайта ишлаш, оқова сувлар чўкиндилари ва фаоллаштирилган ШФ асосида компост тайёрлаш, ММ нитрат кислота билан паст меъёрда фаоллаштирилган маҳсулотини сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўкиндилари асосида органоминерал ўғитлар олиш технологиялари ишлаб чиқилган;

янги турдаги органик-минерал ўғитлар ишлаб чиқаришнинг моддий баланси, технологик тизими ва жараёнларни мақбул технологик параметрлари ишлаб чиқилган;

органоминерал ўғитлар олиш технологияларининг синовлари Электрохимёзавод ҚК-АЖ да ўтказилган, янги турдаги органик минерал ўғитларнинг тажриба партиялари ишлаб чиқарилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларда олиб борилган сезиларли ҳажмдаги тажриба ва саноат миқёсида ўтказилган экспериментларнинг натижаларини қониқарли мутаносиблиги, ISP-масс-спектроскопия, рентгенография, сканерли электрон микроскопия, термогравиметрия ва бошқалар каби замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари ёрдамида органик-минерал ўғитларни олишнинг технологик жараёни натижаларининг мос келиши билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқинди фосфоритлар ва оқова сувлар чўкиндилар асосида намуналар тайёрлаш йўли билан органик - минерал ўғитлар олиш, оқова сувлар чўкиндилари ва фаоллаштирилган ШФ асосида компостларга органик моддаларини гумификацияланиш ва фосфатларни фаоллаштириш жараёнини аниқлаш, ММ нитрат кислота билан паст меъёрда фаоллаштирилган маҳсулотини сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўкиндилари билан ишлаш; нитрат кислота билан паст меъёрда фаоллаштирилган фосфоритларни оқова сувлар чўкиндилари ёрдамида қайта ишлаш; чиқинди фосфоритлар ва оқова сувлар чўкиндиларини қайта ишлаб органик - минерал ўғитлар олиш жараёнларини системалаштирилган илмий, кимёвий, физик-кимёвий ва технологик тадқиқотларини ўтказиш ва асосий қонуниятларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш қишлоқ хўжалигида ҳозирги кунда жуда танқислиги сезилаётган гумусли ва фосфорли ўғитларни ишлаб чиқариш, Қизилқум фосфорит комплексининг чиқинди фосфоритлари ва оқова сувлар чўқиндиларини ўғитлар айлантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чиқинди фосфоритлар ва оқова сувлар чўқиндиларини жалб қилиш орқали органик - минерал ўғитлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Марказий Қизилқум чиқинди фосфорити (шламли фосфорит) ни тўлиқ бўлмаган меъёردа сульфат кислотаси билан фаоллаштириш ва уларни оқова сувлар чўқиндилари асосида органоминерал ўғитларга қайта ишлаш технологияси Электрокимё завод ҚК-АЖнинг “2026-2027 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“Электрокимё завод” ҚК-АЖ нинг 2025 йил 16 майдаги 608-сонли маълумотномаси). Натижада, фаоллаштирилган шламли фосфорит ва оқова сувлар чўқмалари асосида қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган фосфор-гумуслили ўғитлар олиш имконияти беради;

Марказий Қизилқум чиқинди фосфорити (минераллашган масса) ни нитрат кислотаси билан фаоллаштириш ва уларни сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўқмалари билан қайта ишлаш асосида органик минерал ўғит олиш технологияси Электрокимё завод ҚК-АЖ нинг “2026-2027 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати”га киритилган (“Электрокимё завод” ҚК-АЖ нинг 2025 йил 16 майдаги 608-сонли маълумотномаси). Натижада, таркибида юқори ўзлашувчан фосфор беш оксиди тутган гумусли органик минерал ўғитлар олиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Жумладан 7 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан чоп этиш тавсия этилган журналларда 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари баён қилинган, тадқиқотларнинг объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга тадбиқ этилиши, чоп

этилган мақолалар ва диссертация структураси бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг “**Оқова сувлар чўкиндиларини органоминерал ўғитларга қайта ишлаш, минерал хом ашёлар ва оқова сувлар чўкиндилари асосида органоминерал ўғитлар олиш ва қўллаш**” деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган бўлиб, унда ОСЧ, МҚ НФ ва ФГ тавсифлари, уларни ўғитларга қайта ишлаш усуллари ва қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқаришидаги аҳамияти келтирилган. Оқова сувлар чўкиндилари ва чиқинди фосфоритлардан фойдаланиш муаммоларининг турли жихатлари кўриб чиқилган. Оқова сувлар чўкиндиларини чиқинди фосфоритлар билан биргаликда гумусли ўғитларга қайта ишлашнинг экологик мақбуллигини тавсифловчи маълумотлар келтирилган. Адабиётлар таҳлили оқова сувлар чўкиндилари ва чиқинди фосфоритлар асосида органоминерал ўғитлар олиш технологияларини ишлаб чиқиш зарурлигини кўрсатган.

Диссертациянинг “**Бошланғич хомашёлар таснифи ва уларни таҳлил қилиш усуллари**” деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объектларини тавсифлари, тажриба ва синовларда қўлланилган таҳлил усуллари келтирилган.

Органоминерал ўғитлар олиш жараёнларини ўрганиш учун органик хомашё сифатида қуйидаги таркибга эга бўлган оқова сувлар чўкиндилари (%): намлик – 65,43; кул – 9,74; умумий органик моддалар – 24,83; гумин кислоталар – 3,05; фулво кислоталар – 7,47; сувда эрувчи органик моддалар – 2,13; фосфор ангидриди (P_2O_5) – 1,39-2,25; умумий азот (N) – 1,17-2,08; калий оксиди (K_2O) – 0,44-1,23; кальций оксиди (CaO) – 4,14-5,12 олинган.

Оқова сувларини тозалаш иншоотларида ҳосил бўладиган чўкмаларнинг кул таркиби рентген флуоресцент таҳлил (XRF, FP метод) натижалари таркибида фойдали компонентлардан кальций оксиди (CaO – 45,7%), кремний диоксиди (SiO_2 – 22,1%), фосфор ангидриди (P_2O_5 – 14,14%), сульфат ангидрид (SO_3 – 11,8%), калий оксиди (K_2O – 4,91%) ва магний оксиди (MgO – 2,74%) микдори юқори бўлиб, шу билан бирга, чўкма таркибида PbO (қорғошин оксиди – 0,754%), Cr_2O_3 (хром оксиди – 0,841%), As_2O_3 (мишяк оксиди – 0,0240%) ва NiO (никель оксиди – 0,0108%) каби зарарли оғир металллар ва токсик элементлар ҳам аниқланган.


1-жадвал

Марказий Қизилқум фосфоритларининг кимёвий таркиби

Фосфорит хомашёси турлари	Таркибий қисми, оғирлик қисми. %								
	P_2O_5	CaO	Al_2O_3	Fe_2O_3	MgO	F	CO_2	SO_3	H.O.
Минераллашган масса (ММ)	14,33	43,02	1,18	1,38	1,19	1,85	14,70	2,22	13,23
Шламли фосфорит (ШФ) 1	11,57	41,08	1,84	1,42	0,61	1,52	20,91	0,46	14,9
ШФ 2	8,76	45,32	1,05	1,42	1,12	1,69	19,72	1,26	14,02

Фосфорит хомашёси сифатида Марказай Қизилқум чиқинди фосфоритларидан ММ ва ШФ фойдаланилган. ММ ва ШФ Марказий Қизилқум фосфоритли рудаларини бойитиш жараёнининг чиқиндиси ҳисобланади. ММ фосфатли рудани куруқ саралашда ҳосил бўлади, ШФ эса хомашёни хлордан ювишда ҳосил бўлади. Фосфорит хомашёсини қўллашдан олдин заррачаларининг ўлчами 0,25 мм бўлгунга қадар майдаланилди. Фосфорит хомашёси таркиби 1-жадвалда келтирилган.

Фосфорит хомашёси рентгенофаза таҳлил натижаларига кўра, шламли фосфорит рентгенограммасида пикларда фторкарбонатапатит ($\text{Ca}_5(\text{PO}_4)_3\text{FCO}_3$), кальцит (CaCO_3), трикальцийфосфат ($\text{Ca}_3(\text{PO}_4)_2$) кварц (SiO_2) фазасининг мавжудлигини кўрсатган. Аниқланган ушбу фосфорит намуналари фосфор ва кальцийга бой эканини, ҳамда уни қишлоқ хўжалигида фосфорли органоминерал ўғит сифатида самарали қўллаш мумкинлигини тасдиқлайди.



1-расм. ШФ рентгенограммаси

Кимёвий, хроматографик, масс-спектроскопик ва рентгенографик усуллар билан оқова сувлар чўқиндилари ва фосфорит хомашёси таркиби ва хоссаларини ўрганиш натижалари оқова сувлар чўқиндилари тирик организмларда учрайдиган ва ўсимлик организмларида муҳим функцияларни бажарувчи аминокислоталарнинг деярли барча спектрлари мавжудлигини, ҳамда ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши учун зарурий бўлган бир қатор микроэлементлар мавжудлигини кўрсатди. Қизилқум фосфоритлари тавсифларига кўра ОМУ га қайта ишлашга тўла мос келиши аниқланди.

Диссертациянинг “Оқова сувлар чўкмалар ва паст навли фосфоритлар асосида органоминерал ўғитлар олиш” деб номланган учинчи бобда паст навли фосфоритларни тўлиқ бўлмаган меъёрдаги нитрат ва сульфат кислотада фаоллаштириб олинган намуналар ва оқова сувлар чўкмалар асосида азот-фосфор-гумусли ўғитлар, нитрат кислотада фаоллаштирилган чиқинди фосфоритлар ва сульфат кислота билан ювилган


оқова сувлар чўкмалар асосида олинган органоминарал ўғитлар олиш натижалари келтирилган.

H_2SO_4 да ШФ ва оқова сувлар чўкмалар асосида органоминарал ўғитлар олиш жараёнларини тадқиқ этиш учун ШФ ва оқова сувлар чўкмаларидан фойдаланилди. Ишнинг биринчи босқичида ШФ фаоллаштирилди, кислота меъёри ШФ таркибидаги $CaCO_3$ парчаланиши учун стехиометрик меъёр бўйича 10-70% оралиғида ўзгартирилди. ШФ кислота билан ишлов бериш қаттиқ фазали режимда, шнекли аралаштиргичга ўтказилди. Кислота берилгандан сўнг реакцион масса 30 дақиқа давомида аралаштирилди. Реакциянинг экзотермиклиги ҳисобига реакцион масса харорати $70^\circ C$ гача кўтарилди. H_2SO_4 меъёрига боғлиқ холда ШФ осон сочилувчан, сочилувчан лекин нам бўлакчаларга эга бўлган массадан иборат. Ҳосил бўлган фаоллаштирилган шиламли фосфоритдан органоминарал ўғитлар олиш мақсадида оқова сувлар чўкмалар билан турли оғирлик нисбати: 100 : (10–40) ўзаро таъсирлаштириб намуналар тайёрланди. Бунда ҳосил бўлган бўтқага оқова сувлари чўкиндиси қўшилиб, аралаштириш 60 дақиқа давом эттирилди. Ҳосил бўлган намунани кимёвий таркиблари ўрганилди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, сульфат кислотасининг меъёри ошгани ва оқова суви чўкмалари миқдори кўпайгани сари маҳсулот таркибида умумий P_2O_5 миқдори пасайсада, фосфорнинг ўзлашувчан ва сувда эрувчан шакллари, шунингдек кальций оксидининг сувда эрувчан қисми, органик ва гумус моддалар улуши ортиб борганлигини кўрсатди. Масалан, ОСЧ : ФШФ оғирлик нисбати 100 : 10 бўлганда ва сульфат кислотаси меъёри 30% ни ташкил қилганда ҳосил бўлган органоминарал ўғит таркибида умумий P_2O_5 – 4,18%, ўзлашувчан, умумий кальций оксиди – 14,15%, сувда эрувчан кальций оксиди – 1,46%, органик моддалар – 42,16% ва гумус моддалар – 23,33% ни ташкил этган бўлса, шу нисбатда кислота меъёри 70% га етказилганда умумий P_2O_5 – 3,96%, ўзлашувчан P_2O_5 – 3,16%, умумий кальций оксиди – 13,39%, ўзлашувчан кальций оксиди – 5,31 %, сувда эрувчан кальций оксиди – 6,07%, органик моддалар – 39,9 % ва гумус моддалар – 22,08% ни ташкил этганлиги ўрганилган. Нокондецион фосфоритлар учун энг мақбул кислотали парчалаш меъёри 40% бўлиб, ОСЧ : ФШФ оғирлик нисбати 100 : 30 бўлганда, ўзлашувчан P_2O_5 миқдори умумий P_2O_5 га нисбатан 51,36% ни ташкил этган. Шу мақбул шароитда тайёрланган органоминарал ўғит таркибида умумий P_2O_5 – 4,81%, ўзлашувчан P_2O_5 – 2,13%, умумий кальций оксиди – 20,01%, сувда эрувчан кальций оксиди – 10,28%, органик моддалар – 27,34% ва гумус моддалар – 15,13% бўлган.

2-расмда келтирилган диаграмма таҳлилидан кўриниб турибдики, шламли фосфорит (ШФ) ва оқова суви чўкмалари (ОСЧ) асосида тайёрланган органоминарал ўғитда фосфорнинг ўзлашувчан шакли (P_2O_5 (ўзлашувчан)) умумий P_2O_5 га нисбатан (умумийга нисбатда, %) H_2SO_4 кислотасининг меъёри ва ОСЧ:ШФ оғирлик нисбатига боғлиқ равишда сезиларли даражада ўзгармоқда. Графикдан кўринишича, H_2SO_4 кислотаси меъёри 30% дан 70%

гача ошганида барча ҳолатларда P_2O_5 нинг ўзлашувчан шакли миқдори ортиб боради. Масалан, 100:10 нисбатда кислотанинг 30% меъёрида ушбу кўрсаткич 37,32% бўлса, 70% кислотада 79,80% гача етади. Бошқа нисбатларда ҳам ушбу тенденция сақланиб, 100:20 да – 75,76%, 100:25 да – 74,71%, 100:30 да – 73,65% ва 100:40 да – 71,99% ни ташкил қилган. Бундан кўриниб турибдики, сульфат кислотаси меъёри ошиши фосфорни кўпроқ биологик фаол (ўзлашувчан) шаклга ўтказди.



**2-расм. ОСЧ ва ФШФ асосида олинган органоминерал ўғит таркиби
фосфор беш оксидининг ўзлашувчан шаклга ўтишига оғирлик нисбати
ва кислота меъёрига боғлиқлиги**

Шунингдек нитрат кислотаси билан паст меъёрда (20% дан 60% гача) фаоллаштирилган Марказий Қизилқумнинг паст навли фосфоритлари ва оқова сувлар чўкиндилари асосидаги органоминерал ўғитлар олиш тадқиқотлари ўрганилди. Бунда ФШФ ва ОСЧ асосида турли оғирлик нисбатларда (Компостлар ОСЧ ва ФШФ нинг қуйидаги оғирлик нисбатларида тайёрланган: 95:5; 90:10; 85:15; 80:20; 75:25; 70:30.) компостлар тайёрланди. Тайёрланган компостларнинг 30 кундан сўнг таркибий ўзгаришлари таҳлил қилинди. Бунда ҳар бир компост намунаси учун умумий фосфор (P_2O_5), кальций оксиди (CaO), гумин кислотаси, умумий азот, органик моддаларнинг сувда эрувчан қисми ва гуммификация даражаси (ГД) каби кўрсаткичлар ўрганилди.

2-жадвал маълумотларига кўра, фосфорит фаоллаштиришда нитрат кислотаси меъёри ортиши ва ФШФ миқдори камайиши билан умумий фосфор беш оксиди (P_2O_5) миқдори пасайган. Масалан, фаоллаштирилмаган ШФ билан 95:5 нисбатдаги компостда P_2O_5 – 5,22%, 70:30 нисбатда эса 8,04% ни ташкил қилган. Шу оғирлик нисбатида HNO_3 меъёри 20% бўлганда P_2O_5 – 6,86%, 60% бўлганда эса 6,05% бўлган. Кальций оксиди (CaO) эса ФШФ


2-жадвал

Оқова сувлар чўкмалари (ОСЧ) : фаоллаш тирилган шламли фосфорит
(ФШФ) асосида тайёрланган компостларнинг 30 кундан сўнг таркибий
таҳлиллари

Оғирлик нисбати ОСЧ : ФШФ	Умумий фосфор беш оксиди	Умумий кальций оксиди	Умумий органик моддалар	Гумин кислота	Фульво кислота	суда эрувчан органик моддалар	Азот	ГД	ГД нинг ўзгариши (30 кун- 1 кун)
Фаоллаштирилмаган фосфорит									
95:5	5,22	16,54	53,64	7,96	19,51	5,56	3,06	80,54	18,95
90:10	5,98	19,60	46,72	6,81	16,69	4,76	2,61	79,96	19,47
85:15	6,62	22,17	40,93	5,88	14,41	4,11	2,26	79,62	20,02
80:20	7,16	24,35	36,06	5,10	12,49	3,56	1,96	79,17	20,53
75:25	7,63	26,25	31,77	4,44	10,87	3,10	1,70	79,03	21,10
70:30	8,04	27,89	28,09	3,86	9,47	2,70	1,48	78,66	21,59
HNO ₃ билан 20 % меъёрада фаоллаштирилган фосфорит									
95:5	5,10	16,01	53,84	7,92	19,40	5,53	3,37	84,08	23,06
90:10	5,78	18,70	46,95	6,78	16,61	4,74	3,21	83,76	23,84
85:15	6,36	20,97	41,15	5,86	14,34	4,09	3,08	83,35	24,32
80:20	6,86	22,92	36,22	5,09	12,45	3,55	2,97	83,05	24,81
75:25	7,28	24,57	32,00	4,42	10,83	3,09	2,88	82,86	25,55
70:30	7,65	26,01	28,37	3,85	9,43	2,69	2,80	82,16	25,89
HNO ₃ билан 40 % меъёрада фаоллаштирилган фосфорит									
95:5	4,89	15,31	54,64	7,78	19,04	5,43	3,59	88,29	29,27
90:10	5,47	17,63	47,88	6,66	16,30	4,65	3,65	87,40	29,75
85:15	5,98	19,64	42,10	5,76	14,10	4,02	3,72	86,82	30,08
80:20	6,42	21,37	37,09	5,01	12,27	3,50	3,79	86,87	30,83
75:25	6,79	22,86	32,80	4,37	10,70	3,05	3,84	86,38	31,16
70:30	7,12	24,16	29,06	3,81	9,33	2,66	3,89	86,14	31,77
HNO ₃ билан 60 % меъёрада фаоллаштирилган фосфорит									
95:5	4,71	14,70	55,39	7,63	18,69	5,33	3,76	91,87	34,73
90:10	5,22	16,78	48,58	6,56	16,07	4,58	4,03	90,84	34,83
85:15	5,67	18,56	42,77	5,69	13,93	3,97	4,26	90,53	35,39
80:20	6,05	20,10	37,83	4,95	12,12	3,46	4,46	89,98	35,70
75:25	6,39	21,44	33,46	4,32	10,58	3,02	4,64	89,78	36,22
70:30	6,68	22,63	29,64	3,78	9,25	2,64	4,80	89,74	36,88


улуши ортиши ва кислота меъёри камайиши билан кўпайган; масалан, фаоллаштирилмаган фосфоритда СаО – 16,54% дан 27,89% гача, 60% HNO₃ билан фаоллаштирилган 70:30 компостда СаО – 22,63%, 20% HNO₃ меъёрида эса 26,01% ни ташкил қилган. Органик моддалар миқдори асосан ОСЧ улушига боғлиқ равишда ошган: фаоллаштирилмаган ФШФ билан 95:5 компостда 53,64%, 70:30 нисбатда 28,09%, 60% HNO₃ фаоллаштиришда 29,64% ни ташкил қилган. Азот миқдори ҳам кислота меъёрига боғлиқ равишда кўпайган — 70:30 компостда 20% HNO₃ шароитида 2,08%, 60% HNO₃ билан эса 4,80% бўлган. Гумин кислоталари фаоллаштирилмаган ҳолатда 95:5 нисбатда 7,96%, 70:30 нисбатда 3,86%, 60% HNO₃ фаоллаштиришда шу нисбатлар учун 7,63% ва 3,72% ни ташкил этган. Фульвокислоталар мос равишда 19,51%, 9,47%, ва 18,69% ни ташкил қилган.

Сувда эрувчи органик моддалар 5,56% дан 2,70% гача пасайган бўлса, 20% HNO_3 билан фаоллаштирилган ҳолда 5,33% дан 2,64% гача бўлган. Умумий гумификация даражаси эса фаоллаштирилмаган фосфоритда 78,66–80,54%, 60% HNO_3 фаоллаштиришда 89,74–91,87% ни ташкил этди.



3-расм. Сульфат кислота билан ювилган Навоий шаҳри оқова сувларини тозалаш иншоотларида ҳосил бўладиган чўкмаларининг кул таркибининг рентген флуоресцент таҳлили

Нитрат кислотасида фаоллаштирилган чиқинди фосфоритлар ва сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўқиндилари асосида органоминарал ўғитлар олиш жараёнлари ўрганилди, тадқиқотда Навоий шаҳридаги оқова сувларни тозалаш иншоотларида ҳосил бўлган чўкмалар сульфат кислота билан ювилгандан кейинги кул таркиби рентген флуоресцент таҳлили ўрганилди. Бунда, Сульфат кислота билан ювилгандан кейин CaO миқдори 29,6% гача камайган, бу тозалашнинг таъсирчанлигини кўрсатади. Шу билан бирга, зарарли металл оксидларининг асосий қисми анча пасайган: PbO – 0,0754% дан 0,0055% гача, Fe_2O_3 – 7,6% дан 2,11% гача, Cr_2O_3 – 0,841% дан 0,102% гача тушган. Уран оксиди (U_3O_8) миқдори ҳам анча камайган – 0,0111% дан 0,0007% гача. Бу, сульфат кислота билан ювиш жараёни нафақат фаол ифлослантувчиларни камайтиришга, балки ўғит сифатида фойдаланиш мумкин бўлган таркибий қисмларни тозалашга ҳам хизмат қилишини кўрсатади. Сўнг сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўқиндилари ва нитрат кислотасида фаоллаштирилган чиқинди фосфоритлар асосида турли оғирлик нисбатларда (95 : 5 дан 70 : 30 гача) намуналар таҳлилига кўра, азот кислотаси билан фаоллаштирилган чиқинди фосфоритлар ва сульфат кислота билан ювилган оқова суви чўкмалари асосида тайёрланган ўғитларда таркибий ўзгаришлар HNO_3 меъёри ва ОСЧ:ФШФ оғирлик нисбатига боғлиқ ҳолда шаклланган. Фаоллаштирилмаган 70:30 нисбатда умумий фосфор (P_2O_5) – 9,22%, ўзлашувчан қисми – 2,61%, 50% HNO_3 билан фаоллаштирилганда ушбу кўрсаткичлар мос равишда – 6,81% ва 4,12% ни ташкил этган. Кальций оксиди (CaO) миқдори 70:30 нисбатда 27,63% гача етган, аммо кислотали ишловда бу миқдор пасайган. Гумин кислотаси миқдори 95:5 нисбатда – 8,44%, 70:30 нисбатда – 4,44% гача камайган.



4-расм. Нитрат кислотада фаоллаштирилган чиқинди фосфоритлар ва сульфат кислота билан ювилган ОСЧ асосида олинган органоминерал ўғит таркибидаги фосфор беш оксидини ўзлашувчан ҳолга ўтишига оғирлик нисбати ва кислота меъёрининг таъсири

4- расмда келтирилган маълумотларга асосан, нитрат кислотаси билан фаоллаштирилган чиқинди фосфоритларни сульфат кислота билан ювилган оқова суви чўкмалари (ОСЧ) билан органоминерал ўғит таркибидаги фосфор беш оксидининг (P_2O_5) ўзлашувчан ҳолатга ўтиш даражаси таҳлил қилинган. Бу жараёнда асосий икки омил — оғирлик нисбати (ОСЧ:ФШФ) ва кислота меъёри (0% дан 50% гача) таъсири ўрганилган. Натижалари шундан далолат бермоқдаки, ҳар икки омилнинг ортиши P_2O_5 нинг ўзлашувчанлик даражасини сезиларли оширади. Масалан, 95:5 оғирлик нисбатида, P_2O_5 нинг ўзлашувчанлик даражаси 0% кислота шароитида 24,56% бўлса, 50% кислотада 50,36% гача ўсади. Бу ҳолат бошқа нисбатларда ҳам кузатилади: 70:30 нисбатда эса ўзлашувчанлик даражаси 0% кислотада 28,33% дан бошланиб, 50% кислотада 60,48% гача етди.

Диссертациянинг "**Чиқинди фосфоритлар ва оқова сувлар чўкмалари асосида азот-фосфор-гумусли ўғитлар олиш технологияси**" тўртинчи бобида паст навли фосфоритларни тўлиқ бўлмаган меъёрдаги нитрат ва сульфат кислотада фаоллаштириб олинган намуналар ва оқова сувлар чўкмалар асосида азот-фосфор-гумусли ўғитлар, нитрат кислотада фаоллаштирилган чиқинди фосфоритлар ва сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўкмалар асосида олинган органоминерал ўғитлар олишнинг моддий баланслари, принципиал технологик схемаси ва техник-иқтисодий келтирилган.

Агрокимёвий самарадорликни ошириш ва хомашё ресурсларини тежаш нуқтаи назаридан, паст навли фосфоритларни тўлиқ бўлмаган меъёрдаги кислотали фаоллаштириш ва оқова сувлар чўкмалари билан қайта ишлаш натижасида олинган органик-минерал ўғитлар (ОМУ) нисбатан самарали ҳисобланади. Хусусан, ОСЧ : ФШФ 100:30 оғирлик нисбатида (H_2SO_4 меъёри

60%) олинган намуна олиш технологиясини тажриба-лаборатория ускунасида ўрганиш жараёнида ишлаб чиқилди. Лабораторияда олинган маҳсулотлар таркиби тажриба-лаборатория ускунасида олинган маҳсулотлар билан деярли бир хил бўлиб чиқди.

Ўтказилган тадқиқотлар ва саноат тажрибалар асосида технология жараёнининг оптимал параметрлари аниқланди, технологик схема ишлаб чиқилди ҳамда бир тонна азот-фосфор-гумусли ўғит олиш учун моддий баланс ҳисобланди. Азот-фосфор-гумусли ўғитлар олиш технологияси асосан уч босқичдан иборат:

ШФ ни кислота билан фаоллаштириш;

ФШФ билан ОСЧни аралаштириш;


Тайёр маҳсулотни куриштиш.

Паст навли фосфоритларни нитрат кислотаси билан фаоллаштириш ва сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўкмалари асосида гумус-фосфор-азотли ўғитлар олиш жараёни самарадорлигини ошириш учун технологик параметрларни аниқлаш ва уларнинг таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Асосий параметрлар куйидагилардан иборат:

Марказий Қизилқум чиқинди фосфорити (минераллашган масса) ни нитрат кислотаси билан фаоллаштириш ва уларни сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўкмалари асосида органоминерал ўғитларга қайта ишлаш:

1. Минераллашган массани нитрат кислотали билан фаоллаштирилади;
2. Оқова сувлар чўкмаларини сульфат кислота билан ювилади;
3. Фаоллантирилган фосфоротни сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўкмаларига белгиланган оғирлик нисбатида қўшилади;
4. Фаоллантирилган фосфорит ва сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўкмалари асосидаги бўтқани белгиланган вақтда аралаштирилади;
5. Олинган органоминерал ўғит куриштилади

Тадқиқотларда чиқинди фосфорит, оқова сувлари чўкиндилари, 30 % ли сульфат кислота ва 63 % нитрат кислота ишлатилди. Нитрат кислотасининг меъёри фосфорит таркибидаги СаО ни парчалаш учун стехиометрик ҳисобда 40 % меъёрда қўшиб фосфоритни фаоллаштирилди. Кейинги босқичда оқова сувлари чўкиндиларини сульфат кислота билан ювилди ва ювулган намунага фаоллаштирилган фосфорит билан 75 : 25 оғирлик нисбатида ўзаро таъсирлаштириб органоминерал ўғит намуналар тайёрланди. Бунда чиқинди фосфорит фаоллаштириш вақти 40 дақиқа бўлган, шундан сўнг ҳосил бўлган бўтқага сульфат кислота билан ювилган оқова сувлари чўкиндисини қўшилиб, аралаштириш яна 50 дақиқа давом эттирилган. Ҳосил бўлган органоминерал ўғит намунани 3-6 % намликгача куриштириб, кимёвий таркиблари ўрганилди.



5-расм. Органоминерал ўғит олишнинг принципиал технологик схемаси:1-2-йиғич; 3-автомат концентратор; 4-реактор; 5-шнекли аралаштиригич; 6- барабанли куритгич; 7-пресс донадорлагич.

Бажарилган лаборатория тажрибалари маълумотлари ва Электрокимё завод ҚК АЖ нинг йириклаштирилган тажриба жиҳозида ўтказилган тажриба натижалари асосида Марказий Қизилқум чиқинди фосфорити (минераллашган масса) ни нитрат кислотаси билан фаоллаштириш ва уларни сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўкмаларини органикоминерал ўғитга қайта ишлаш жараёнларининг асосий технологик кўрсаткичлари аниқланди ва улар қийидагича:

Фосфоритни нитрат кислотали фаоллаштириш меъёри,40 %;

Фосфоритни нитрат кислотали фаоллаштириш давомийлиги,.... 40 мин;

оқова сувлари чўқиндисини сульфат кислота билан ювишда рН қиймати,.... 4,5-5;

Фаоллантирилган фосфорит ва оқова сувлар чўкмалари оғирлик нисбати, 100 : 30;

Фаоллантирилган фосфоритни ва сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўкмалари аралашлаштириш давомийлиги,.....50 мин;

Электрокимё завод ҚК АЖ нинг йириклаштирилган тажриба-синов ускунасида Марказий Қизилқум чиқинди нитрат кислотаси билан фаоллаштириш ва уларни сульфат кислота билан ювилган оқова сувлар чўкмалари билан қайта ишлаб органикоминерал ўғитлар олиш технологиялари бўйича ўтказилган синовлари асосида жараённинг технологик режимининг асосий кўрсаткичлари белгиланди, ишлаб чиқариш бўйича материал оқимларининг моддий баланси тузилиб, тажриба қурилмаси учун технологик иш тартиби тавсия этилди.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи кимё корхоналарида хомашёни қайта ишлаш харажатлари (ишлаб чиқариш харажатлари, материаллар, ташкилий харажатлар ва бошқалар) технологиянинг мураккаблигига қараб хомашё нархининг 40–50% ини ташкил этади. Таклиф этилаётган технология

эса мавжудларига нисбатан соддароқ бўлгани учун, қайта ишлаш харажатлари хом ашё нархининг 40% этиб қабул қилинди. Рентабеллик даражаси эса умумий харажатларнинг 10% этиб белгиланди. Ҳисоб-китобларга кўра, азот кислотаси билан фаоллаштирилган ШФ ва ОСЧ асосида тайёрланган 1 тонна азот-фосфор-гумусли ўғит нархи 629552 сўм, кам меъёрдаги нитрат кислотаси билан фаоллаштирилган фосфорит ва сульфат кислотасида ювилган ОСЧ дан тайёрланган 1 тонна азот-фосфор-гумусли ўғит нархи эса 950272 сўмни ташкил этади. Ушбу турдаги ОМУлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмаган, шунинг учун уларнинг нархини мавжуд минерал ўғитлар билан солиштириб бўлмайди. Бироқ, тавсия этилаётган ўғитлар самарали бўлиб, уларда озик моддалар умумий миқдори 30% дан ортиқни ташкил этади.

3-жадвал

Кам меъёрдаги нитрат кислотаси билан фаоллаштирилган фосфорит ва сульфат кислотасида ювилган ОСЧ дан тайёрланган 1 тонна азот-фосфор-гумус-азотли ўғит олиш учун дастлабки хомашё материалларининг сарф коэффициентлари ва тайёр маҳсулот нархи

Бошланғич хомашёлар	1 т фосфор-гумус-азотли ўғит учун сарф коэффициентлари		
	Миқдор, т	Нархи, сум	Умумий сўм
ОСЧ намлиги 65-70%	1,39	200000	278000
ММ 14-15% P ₂ O ₅	0,337	180000	60660
Нитрат кислота (59%)	0,222	800000	177600
Сульфат кислота (95%)	0,084	1200000	100800
1 тонна фосфор-гумусли ўғитни қайта ишлаш харажатлари (40,0%)	-	-	246824
1 т ўғит учун умумий харажатлар, сўм	-	-	863884
Рентабеллик даражаси (10%), сўм	-	-	86388
1 тонна ўғитнинг ҚҚСсиз улгуржи шартномавий нархи, сўм	-	-	950272

Иқтисодий самарадорлик фақат ишлаб чиқаришдан олинган фойда билан эмас, балки қишлоқ хўжалигида ОМУ дан фойдаланиш орқали ҳам намоён бўлади. Уларнинг қўлланилиши билан тупроқда гумус миқдори ошиши, структураси яхшиланиши, физик-кимёвий ва унумдорлик хусусиятлари яхшиланиши, озик моддалардан фойдаланиш коэффициенти ортади ва натижада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги ошади.

ХУЛОСА

«Оқова сувлари чўкиндилари ва чиқинди фосфоритлари асосида органик-минерал ўғитлар олиш технологияси» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

ОСЧ ва сульфат кислотасида ФШФ асосида органоинераль ўғитлар олишда фосфорит таркибидаги фосфор беш оксиди 79,8 % гача, кальций оксидининг ўзлашувчан шакли эса 59,65 % гача ва органик моддаларнинг миқдори эса 42,16 % гача ошганлиги аниқланди, шунингдек янги органоинерал ўғитларнинг олишнинг мақбул технологик шароит сифатида H_2SO_4 кислотасининг 60% меъёри ва ОСЧ:ФШФ нисбатининг 100:30 бўлиши тавсия ўрганилди.

Аниқландики, ОСЧ ва нитрат кислотасида ФШФ қўшиб компостлашда компостлаш вақти ортиши билан таркибида ўзлаштириладиган P_2O_5 нисбий миқдори ортиб бориши аниқланди. Бу ҳолат бир томондан фосфоритлар билан ОСЧ таркибидаги органик кислоталарнинг ўзаро таъсирлашуви ҳисобига P_2O_5 нинг ўзлаштириладиган шакли ўтса, иккинчи томондан эса азот ва органик моддалар йўқотилишининг камайиб ва органик моддаларнинг гуммификацияланиш даражасининг ошишига олиб келишини кўрсатди.

ОСЧ ва ФШФ асосидаги органоинерал ўғитлар рентгенографик тадқиқотлар асосида таҳлил қилиниб, ОСЧ таркибидаги органик кислоталарнинг карбоксил гуруҳлари ва ШФ таркибидаги фосфат анионларининг кальций ионлари иштирокида, кальций гуммати ва монокальцийфосфат ҳосил бўлиши асосланди.

ОСЧ сульфат кислота билан ювилгандан кейин зарарли металл оксидларидан PbO –0,0055% гача, Fe_2O_3 –2,11% гача, Cr_2O_3 –0,102% гача камайганлиги таҳлилилар натижасида асосланди. Бу, сульфат кислота билан ювиш жараёни нафақат фаол ифлосланттирувчиларни камайтиришга, балки ўғит сифатида фойдаланиш мумкин бўлган таркибий қисмларни тозалашга ҳам хизмат қилиши аниқланди.

ОСЧ сульфат кислотаси билан ювиш ва уларни нитрат кислотасида фаоллаштирилган фосфоритларни қўшиш орқали азот-фосфор-гумусли ўғитлар олишнинг оптимал шароитлари аниқланди.

Технологик ва иқтисодий ҳисоб-китоблар натижалари асосида ОСЧ ва чиқинди фосфоритлар асосида қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун органоинерал ўғитлар ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.17/7.06.2024.К/Т.06.03 ПРИ НАВОИЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ГОРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ**

ЖУРАКУЛОВ БАХРОМ АЗАМатович

**ТЕХНОЛОГИЯ ПОЛУЧЕНИЯ ОРГАНОМИНЕРАЛЬНЫХ
УДОБРЕНИЙ НА ОСНОВЕ ОСАДКОВ СТОЧНЫХ ВОД И ОТХОДОВ
ФОСФОРИТОВ**

02.00.13 – Технология неорганических веществ и материалов на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан под номером B2025.2.PhD/T5801.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горно-технологическом университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Научного совета www.nsumt.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель :	Темиров Уктам Шавкатович доктор технических наук, доцент
Официальные оппоненты :	Умиров Фарход Эргашович доктор технических наук, профессор Тураев Зокиржон доктор технических наук, профессор
Ведущая организация	Ташкентский химико-технологический институт

Защита диссертации состоится на заседании Ученого совета при Навоийском государственном горно-технологическом университете № DSc.17 /7.06.2024.K/T.06.03 от «26» августа 2025 года в 12:00 (Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба, 76, корпус В. Конференц-зал Навоийского государственного горно-технологического университета. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; (e-mail: info@nsumt.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горно-технологического университета (регистрационный номер 218). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Галаба, дом 76в. Конференц-зал Навоийского государственного горно-технологического университета. Тел.: 0 (436) 223-23-32; факс: 0 (436) 223-49-66; (e-mail: info@nsumt.uz)

Автореферат диссертации разослан «13» августа 2025 года.
(реестр протокола №12 разослан от «13» августа 2025 г.).



Мухиддинов Б.Ф.
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Шарипов С.Ш.
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, PhD, доцент

Умиров Ф.Э.
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктор философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В связи с ростом населения мира, интенсивным ведением сельского хозяйства и увеличением спроса на кормовую продукцию возрастает потребность в производстве высокоэффективных и экологически чистых удобрений. В большинстве стран потребность в фосфорных удобрениях высока, а низкое качество запасов фосфора и трудности их переработки являются серьезной проблемой для аграрного сектора. В то же время отсутствие переработки биогенных ресурсов в органоминеральные удобрения, таких как промышленные отходы, в частности осадки сточных вод, представляет большую экологическую угрозу. По этой причине особое значение приобретает привлечение отходов фосфоритов и осадков сточных вод для получения органоминеральных удобрений.

В мире особое внимание уделяется исследованиям по переработке отходов на основе принципов устойчивого развития, производству органоминеральных удобрений с использованием экологически чистых ресурсов. В связи с этим особое внимание уделяется комплексному изучению различных видов бытовых отходов, образующихся в народном хозяйстве, разработке технологии получения на их основе гумуссодержащих, фосфорных и азотных удобрений, обладающих высокой усвояемостью, а также оценке эффективного влияния органоминеральных удобрений, сохраняющих питательные вещества, на повышение продуктивности растений и саженцев, повышению плодородия почвы.

В Республике достигаются определенные результаты в получении высококачественных органоминеральных удобрений путем переработки осадков сточных вод и низкосортных фосфоритов, образующихся в результате промышленной и бытовой деятельности. В Указе Президента Республики Узбекистан поставлены важные задачи по «Повышению и охране плодородия почв. Совершенствованию системы оказания сельскохозяйственных услуг на основе науки и инноваций. По обеспечению предприятий агропромышленного комплекса сырьем и увеличению объемов производства в 1,5 раза». Исходя из поставленных этих задач, большое значение имеет разработка технологий получения гумусно-фосфорных органоминеральных удобрений на основе осадков сточных вод (ОСВ) и фосфоритных отходов (ФО), повышающих плодородие почв и продуктивность растений.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, определенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 13.02.2024 г. ПП-№71 «О дополнительных мерах по борьбе с деградацией сельскохозяйственных земель, повышению гумусности и продуктивности почв» ПП-№4992 «О мерах по дальнейшему реформированию и финансовому оздоровлению предприятий химической промышленности, развитию производства химической продукции с высокой

добавленной стоимостью» и других нормативно-правовых документах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с Приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Уровень изученности проблемы. В литературных источниках широко освещены научно-исследовательские работы по переработке осадков сточных вод в органические и органоминеральные удобрения. Процессы получения органических минеральных удобрений изучались в Университете Хоккайдо (Япония), Московском государственном университете им.М.В.Ломоносова (Москва) и Белорусском государственном университете (Минск). Однако в этих работах, в основном, использовались осадки сточных вод (Юки Мочизуки, Наото Цубоучи, В.Н. Васильев, И.Ю. Гусев и Л.А.Чурилов). В Российском химико-технологическом университете им. Д.И.Менделеева проводились исследования по переработке осадков сточных вод вместе с фосфоритами (Е.В. Мальцева, И.А. Колесникова и С.В. Тюрин).

В Узбекистане исследованиями по получению органоминеральных удобрений из различных гумусных природных источников и фосфоритового сырья занимались Ш.С.Намазов, Б.М.Беглов, Н.Х.Усанбаев, О.Ш.Темиров, А.Т.Таджиев, Л.Ф.Мельников и др. Однако в настоящее время в нашей республике осадки сточных вод не перерабатываются в удобрения с пониженным содержанием вредных металлов, а получаемые фосфорные удобрения не удовлетворяют потребности сельского хозяйства. Поэтому необходимо решить проблему разработки технологий получения высокоэффективных органоминеральных удобрений путем переработки отработанных фосфоритов с использованием осадков сточных вод.

Связь темы диссертации с планами НИР высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация. Диссертационная работа выполнена в рамках НИР Навоийского государственного горно-технологического университета А-АВ-2019-13 – «Разработка технологии получения нового типа гранулированных комплексных органоминеральных удобрений на основе низкосортных фосфоритов Центральных Кызылкумов, микрофлоры активного ила и минеральных кислот» и хозяйственного договора № 4-2018 - «Разработка технологии использования шламовой части отвала отходов КФК для получения обогащенных фосфором азотно-фосфорных полиэлементных органоминеральных удобрений».

